

**МАҲАЛЛАЛАРДА ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН
БОЛАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ****Мусурманова Шахло Илҳомовна**

Кори Ниёзий номидаги ТПМИ докторанти.

*Email: shaxlomusirmonova@gmail.com**<https://doi.org/10.5281/zenodo.15102578>*

Аннотация. Мазкур мақолада маҳаллаларда етим ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар билан ишилашнинг ўзига хос жиҳатлари, ижтимоий ҳаётга мослаштириши, касбга йўналтириши механизмлари бўйича олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаoliyati мазмунни ёритилган.

Калим сўзлар: маҳалла, жамият, тўлиқ бўлмаган оила, қадриятлар, ота-она, бола, оила, ажраиган оила, тадбиркорлик, ақлли аёл, мураккаб, функционал, турмуши ўртоғи, никоҳ.

**SPECIFIC CHARACTERISTICS OF ORPHANS AND CHILDREN DEPRIVED OF
PARENTAL CARE IN THE NEIGHBORHOODS**

Abstract. This article describes the specific features of working with orphans and children deprived of parental care in makhallas, the content of socio-pedagogical activities carried out on the mechanisms of adaptation to social life and career guidance.

Keywords: makhalla, society, incomplete family, values, parents, child, family, divorced family, entrepreneurship, intelligent woman, complex, functional, spouse, marriage.

**ОСОБЕННОСТИ ДЕТЕЙ-СИРОТ И ДЕТЕЙ, ЛИШЕННЫХ РОДИТЕЛЬСКОЙ
ПОПЕЧИТЕЛЬСТВА, В МЕСТАХ**

Аннотация. В данной статье рассмотрены конкретные аспекты работы с детьми-сиротами и детьми-сиротами в микрорайонах, содержание социально-педагогической деятельности, проводимой по механизмам адаптации к социальной жизни и профориентации.

Ключевые слова: маҳалла, сообщество, неполная семья, ценности, родители, ребенок, семья, разведенная семья, предпринимательство, умная женщина, сложный, функциональный, супруг, брак.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини, шу жумладан, тўлиқсиз, нотинч, ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласарда ижтимоий-маънавий ҳимояга муҳтож етим, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, инклузив таълим тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ушбу масалаларга оид ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқенини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5700-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Оила, болалар ва ёшлар”га бағишиланган XIV бобининг 76-80-моддаларида тўлиқ ўз аксини топган.

Миллий тарбиямиз ва динимиз қўрсатмаларида етим болани хорловчи, унга зулм қилувчи, ҳаққини поймол қилувчи шахслар қораланади. Етим болаларга ёрдам бериш эса, ниҳоятда савобли иш сифатида баҳоланади.

Етим болаларни ижтимоий ҳимояга олиш, уларга овқат, кийим-кечак, таълим ва тарбия бериш маърифатли жамият зиммасидаги бурчдир. Шундай қилинса, етим бола келгусида жамият учун фойдали шахс бўлиб етишади.

Бугунги кунда мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан ишлаш механизмини такомиллаштириш жумладан, мазкур масалада ота-оналар, Мехрибонлик уйи (оилавий болалар уйи) ва болалар шаҳарчаларида фаолият қўрсатаётган тарбиячи-педагоглар, маҳаллада ёшлар билан ишлаш тизими, профилактика инспекторлари, хотин-қизлар фаоллари, ”Оқила аёллар” ҳаракати вакиллари ҳамда бошқа мутасаддилар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича тизимли ишлар ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан ишлаш механизмининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, унда мазкур соҳага оид қуйидаги асосий тушунчалар¹ белгилаб берилган:

бала (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

боланинг қонуний вакиллари — ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

васийлик ва ҳомийлик — ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли.

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгacha бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

¹ Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон конуни. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон

етим бола — отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нұқсонлари бўлган бола — ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нұқсонлари бўлган бола.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар — юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан:

- ногиронлиги бўлган болалар;
- жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нұқсонлари бўлган болалар;
- етим болалар;
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
- ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар;
- муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;
- кам таъминланган оилалардаги болалар;
- жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;
- зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий оғатлар натижасида жабрланган болалар;

ногиронлиги бўлган болалар (бола) — барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нұқсонлари мавжудлиги оқибатида ҳаёт фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган болалар (бола);

ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар — қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналий ҳукуқини амалга оширувчи ва ота-оналий мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка оловчилар, васийлар ва ҳомийлар);

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола — ота-оналий ҳукуқидан маҳрум қилинганлиги ёки чекланганлиги, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги ёхуд муомалага лаёқати чекланганлиги, болани тарбиялашдан ёки унинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганлиги, шу жумладан, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғурукхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортганлиги ёхуд ота-она қарамоғи мавжуд бўлмаган бошқа ҳолатлар сабабли ота-она ёки ягона ота (она) қарамоғидан маҳрум бўлган бола.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда турли тоифадаги оиласарнинг фарзандлари тўлиқ давлат ҳимоясидадир. Шунинг учун ижтимоий-маънавий ҳимояга муҳтоҷ болалар гурухининг сон жихатдан кўпайишининг олдини олиш, уни бартараф этишда ҳамкорлик ва тарбия масаласига бевосита ҳамда билвосита масъул шахсларнинг ижтимоий-маънавий ҳимоя сиёсатига оид билимга эга бўлиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий соҳадаги концептуал ғояларга амалга оширишда аввало маҳаллалар тизимидағи маҳалла фуқаролар йиғини раиси, профилактика (катта) инспектори, ҳоким ёрдамчisi, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчisi, шунингдек “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари ва бошқа жамоатчи мутасаддилари масъулдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5700-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони.
3. Aynisa, M. (2018). Improvement of the pedagogical mechanisms of the family and educational institutions in the development of the spiritual culture of adolescents of social and legal risk groups. Проблемы педагогики, (1 (33)), 5-7.
4. Narbaeva, T., Musurmanova, A., & Ismailova, Z. (2023). Priority areas of spiritual, moral and physical education of youth in the family. Science and innovation, 2(B1), 49-59.
5. Мусурманова, А. (2019). Концептуальные основы формирования духовной культуры молодежи в системе непрерывного образования. Проблемы педагогики, (1 (40)), 5-7.
6. Ilkhomovna, M. S. (2023). ISSUES IN THE DEVELOPMENT OF SOCIO-INTELLECTUAL COMPETENCE OF ADULT STUDENT-YOUTH IN INCOMPLETE FAMILIES IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS.
7. Мусурманова, Ш. И. (2023). МАҲАЛЛА ФУҚАРО ЙИҒИНИ ТИЗИМИДАГИ МУТАСАДДИЛАРНИНГ НОТЎЛИҚ ОИЛА БИЛАН ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ.
8. Мусурмонова, Ш. И. (2019). ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА, ЎҚУВЧИЛАРНИ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШ. Студенческий вестник, (38-2), 87-89.
9. Мусурмонова, Ш. И. (2021). In primary school students-integrative content of education. Интернаука, (24-3), 84-85.